



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 22 сентябр, чоршанба № 133 (780)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## НОГИРОНЛАРНИ ДАВОЛАШ МАРКАЗИ

Пойтахтимизнинг Имом ат-Термизий кўчасида «Азизим» деб номланган ногирон болаларни даволаш маданият маркази фойдаланишга топширилди. Унинг раҳбарининг таъкидлашича, бу масканда ногирон ўсмирларни ҳам даволаш, ҳам уларга хунар ўргатиб, ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишлариغا яқиндан ёрдам берилади. Бағоят савобли ишни амалга оширишда саховатпеша кишилар жонбозлик кўрсатдилар.

А.ЙҮЛДОШЕВ.

## БУЮК ИПАК АНЖУМАН ДАВОМ ЙЎЛИ: ЭТМОҚДА

Пойтахтимизда иш бошлаган Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича халқаро конференция 21 сентябр кўни ўз ишини давом эттирди. Анжуманнинг иккинчи кўнида иштирокчилар бир қанча йирик масалалар, жумладан, транспортдан фойдаланувчилар эҳтиёжини қондириш ва транспорт қатновининг ошиб боришини таъминлаш, мавжуд режа ва дастурларнинг ҳаётга жорий қилиниши ҳамда самарали бошқарув воситасида сармоя жалб қилиш каби йирик масалалар ҳусусида фикр алмашди. Ушбу масалаларга бағишланган ўндан ортик маъруза тингланди.

Автомобил қатнови масаласига оид маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Масалан, транспорт қатновининг ошиб боришини таъминлаш ҳамда ушбу вазиятда йўловчилар ва юклар ҳаракатини енгиллаштириш, қатнов кенгайиши ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф қилиш, транзитни рағбатлантириш ва асосий йўл тармоқларини тақомиллаштиришнинг иқтисодий самараси, унга сармоя жалб қилиш, бунда йўл инфратузилмаларини молилаштиришнинг Жаҳон банки тажрибаларидан фойдаланиш бўйича маърузаларда мазкур масалалар атрофида таҳлил қилиб берилди.


Мазкур йўлни ҳам тезорар автомагистрал даражасида замонавийлаштириш талаб этилмоқда. Зеро, Буюк Ипак йўлининг барча қисми замонавий тус олиши Шарқу Фарбни тез ва қисқа йўллар билан боғлаш имконини яратди. Шунингдек, Ипак йўли Осиё билан Европа ўртасидаги қўриқ вазифасини бажариши, бу борада мавжуд дастурлар бўйича хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, автомобил йўлларини ривожлантиришда Осиё мамлакатлари тажрибаси, хусусан, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО) минтақасида транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш сингари мавзулардаги маърузалар ҳам анжуман кўн тартибидан жой олди.

Одатда йирик халқаро лойиҳалар катта маблағ талаб қилади. Бу борада самарали бошқарув воситасида йўл қурилишлари сармоя жалб қилиш, йўл инфратузилмаларини маблағ билан таъминлаш масалалари, халқаро молия муассасаларининг бу борада ишлаб чиқаётган лойиҳалари муҳим аҳамият ка-

сб этади.

Бир сўз билан айтганда, Буюк Ипак йўлини тиклаш шунчаки гоҳ эмас, балки, яқин кўнларда амалга ошириши аниқ бўлган халқаро дастур эканига ишонч тобора ортиб бормоқда. Минг йиллар олдин қўм барханлари оралаб узоқ ўлкаларга элтган ёлғиз эзоқ қарвон йўллари XXI аср бўсағасида одамларни яна ўзига жалб қилди. Инсоният яна ушбу қадимий йўлларга эҳтиёж сезмоқда. Эҳтиёж эса ўз навбатида тараққиётга туртки беради. Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши ҳам сўзсиз минтақа давлатларининг иқтисодийетини янги босқичга кўтариши, халқларнинг фаровонлигини ошириши, одамларни тараққиётнинг янги медаларидан баҳраманд этишига имкон яратди. Бинобарин, Тошкентда ўтаётган халқаро анжуман ҳам ана шундай кўтулғу ишнинг тезроқ амалга оширилишига ҳисса қўишига шубҳа йўқ.

(ЎЗА)



## «МАРОҚАНД» БОЗОРИ

Яқинда Самарқанд туманида яна бир муҳташам, кўркам ва замонавий бозор фойдаланишга топширилди. «Мароқанд» деб номланган бу йирик бозор 240 савдо ўрнидан иборат бўлиб, унда деҳқонларга барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Мазкур савдо иншооти, асосан, ҳашар йўли билан қурилди. Шунингдек, уни барпо этишда вилоят «Матлуботсавдо» уюшмасининг қўли гул бунёдкорлари ҳам ўз меҳнатларини аямадилар.

Суратларда: Самарқанд туманида бунёд этилган бозордан лавҳалар.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Уш вилоятнинг жанубида вазият кескинлигича турибди ва жангарилар тўдалари жанг ҳаракатларини кучайтирмоқда.

Жангарилар яқиндаги ўтар кечаси Қирғизистон ҳудудига ёриб ўтишга кўл марта уринди. Бу ҳақда Бишкекда бўлиб ўтган Брифингда Қирғизистон Республикаси Хафсизлик кенгашининг котиби Булот Жонузоков маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Боткен туманида Газ қишлоғи атрофида жангариларнинг 15 кишидан иборат янги ғуруҳи ҳукумат қўшинлари эғаллаб турган жойнинг олдинги марраларини гранатаметрлардан ўққа тутган. Жанг уч соат давом этган. Отишма натижасида ҳукумат қўшинларидан бир ҳарбий хизматчи жароҳатланган. Жангарилар талюфати тўрт кишидан иборат.

Уш вилоятнинг Қадамжой туманида яна бир тўқнашув бўлди. Жангарилар ҳукумат қўшинларини гранатаметрлардан ўққа тутди. Жангариларнинг икки та ўқ отиш нуқтаси яқсон этилди, шундан сўнг улар кечкиди.

Чўн-Олойда Қирғизистон-Тожикистон чегараси участкасида отишма натижасида ҳукумат қўшларидан бир ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, тўрт киши жароҳатланди. Ҳукумат қўшинларининг разведкачилар ротаси «жангарилар томонидан миная кўйилган участкага дуч келди».

Хафсизлик кенгашининг котиби жангариларнинг мамлакат ҳудудидаги ёриб ўтишга, шунингдек, ўндан ташқарига чиқишга ҳар қандай уриниши тўсиқ қўйилади ва олди олинди, деб таъкидлади. Қирғизистон ҳарбий бўлинмалари бунинг учун «етарли куч ва воситаларга эга», деб таъкидлади у.

Жангарилар эғаллаб турган қишлоқларда бандитлар маҳаллий аҳолини

хўрламоқда, одамларни уйларида кўчага ҳайдаб чиқариб, мол-мулкни тортиб олмақда. Дастлабки маълумотларга қараганда, жангарилар босиб олган қишлоқларда тинч аҳолига мансуб 150 нафар киши бор. Жангарилар йўллар ва сўмоқларга миная кўймоқда, бу эса тинч аҳоли ҳаётини ҳаф остида қолдиради. Бандит ғуруҳларида ўқ-дори, иссиқ кийим ва озик-овқат етишмапти, шу боис маҳаллий аҳолини талаш авж олмақда.

Б.Жонузоков радиоахборотлардан олинган маълумотларга асосланиб, жангарилар Тожикистон Республикасидаги асосий базаларидан мунтазам равишда ярадорлар учун дори-дармон юборишни сўраётганини айтди.

Боткен туманидаги яна бир қанча қишлоқларда кечаси отишма бўлди. Мудофаа вазирлиги ва ички қўшинлар бўлинмалари бу ерда жангариларнинг кичик отрядлари борлигини аниқлади.

Жангарилар ҳаракатларини таҳлил этиш натижаси улар асосан соат 24.00 дан 4.30 гача 3 кишидан 9 кишигача бўлган ғуруҳларга бўлиниб ҳаракат қилаётганини кўрсатмоқда. Сўнгги вақтда жангарилар турлича чалғитиш ҳаракатлари қилмоқда: тўнда ҳужум уюштиряпти, Қирғизистон ҳукумат қўшинлари блок постларини ўққа тутаяпти, маҳаллий аҳолидан одамларни гаровга олмақда ва улардан жонли қалқон сифатида фойдаланмоқда, миш-мишлар, ваҳима тарқатмоқда.

Б.Жонузоқовнинг маълумотларига қараганда, Тожикистон ўз чегара қўшинларини кучайтиришга ваъда берган бўлса ҳам, бу ваъдасини бажармади, чунки жангарилар Тожикистондан, айниқса, Жирғатол тумани орқали Қирғизистонга ўтмоқда.

(ЎЗА)

Республика ҳукумати халқимиз саломатлиги йўлида бағоят улуғ ишларни амалга оширмоқда. Масалан, кўрик воҳамизда мустақиллик йилларида 36 та замонавий кишлоқ врачлик пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. 1500 нафардан ортик тиббиёт ходимлари янги иш ўринлари билан таъминландилар. Гулистон шаҳридаги соҳага қарашли билим юрти янги бинога жойлаштирилди. Кўплаб касалхона, ташхис марказлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Хозирги кўнда соҳада ислохотлар яхши кетмоқда, деб ишонч билан айтиш мумкин. Дори-дармон таъминотидаги узилтишларга барҳам берилди. Бу натижалар янада кувончли бўлишида муҳим омилдир.

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Сирдарё вилоят кўмитаси сон жиҳатдан мустаҳкамлашиб, сифат жиҳатдан яхшиланди. Бошланғич ташкилотлар нуфузи ошди. Хозирда 208 та бошланғич, 156 та ғуруҳ, 13 та бирлашган касабаси уюшма ташкилотлари фаолият юритмоқда. Соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда улар мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Ютуқларимиз оз эмас. Бироқ, асосий эътиборни баъзи камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларга қаратасак. Биламизки, қатор жамоаларда меҳнат қўнчилиги ҳамда шартнома шартларини бажаришда хатоларга йўл қўйилмоқда. Ходимлар билан меҳнат шарт-

нома ҳақорат чеккан. Вилоят шифохонаси ходимаси Зорина уч ой мобайнида иш ҳақи оломай сарсон бўлиб юрган. Сайхўнобод туман марказий шифохонасида узоқ йиллардан буён ҳалол ишлаб келаётган Майрам Оллоҳова ўз розилигисиз бошқа вазифага ўтказиб юборилган. Бу каби чигал, муаммоли масалаларнинг барчаси вилоят касабаси уюшма кўмитаси аралашувидадан сўнг адолатли ечи-

рига қайтарилди. Еки Боёвут, Ш.Рашидов, Ховос, Оқолтин туманлари марказий шифохоналарида дам олиш кўнлари ишга жалб этилган ходимларга икки баробар миқдорда ҳақ тўлаш негадир унутилган. Бу камчилик ҳам чек қўйилди. Ақратилиши лозим бўлган 15 фойзли моддий рағбатлантириш фондига ўтган йили 16 миллион сўм сарфланган. Жорий йилда эса бу мақсад

роити синчиқлаб ўрганилди. Талабга жавоб бермайдиган 13 та асбоб-ускунадан фойдаланиш таъқиқланди. Тартиб-интизомни бузганлик учун 18 нафар раҳбар шахсга жарима солинди. Тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофазалаш, соғломлаштириш борасида ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган даврда 583 киши санитарий-профилактика тартибларда ўз саломатлигини мустаҳкамлаш, 340 нафар фарзандларимиз оромгоҳларда яхши дам олдилар. Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Жисмоний тарбия ва спорт оммалашиб бормоқда. «Отам, онам ва мен» деб номланган оилавий спорт мусобақаси, аёллар беллашувларининг нафи катта бўлди. Кўриниб турибдики, биз мурасосозликдан ҳалос бўлиб, омилкорлик, ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатиб ишлашга астойдил ҳаракат қилляпмиз. Бу эришилаётган натижаларда ўз ифодасини топмоқда.

Р.АБДАЛИМОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Сирдарё вилоят кўмитаси раиси.

## СИР БЎЙИДАГИ ШИФО МАСКАНЛАРИ

номаси тузиш, янги иш бошлаган ишчи-хизматчилар беш кўн мўддат мобайнида меҳнат дафтарида ишчи, ишдан бўшган киши билан ҳисоб-китобни амалга оширишда сансалорлик мавжуд.

Айрим раҳбарлар қўнларни тулик билмасликлари ва бошқа сабабларга кўра меҳнатчилар ҳақ-ҳуқуқ камситилмоқда. Масалан, Гулистон шаҳар дезинфекция станцияси ишчиси, ҳомиладор аёл Абдурахмонова ишдан ноқонуний бўшатиб юборилган. Тиббиёт ходими Доно Рустамова иш ўринлари қисқариши муносабати билан

мини топди. Моддий манфаатдорлик устувор бўлганича, иш унумли бўлади. Бу ҳақда айниқса, бозор шароитида касабаси уюшмалари мутаассаддилари алоҳида бош қотиришлари лозим. Бу борада қатъиятлик кўрсатишга ҳаракат қилляпмиз. Яна бир мисол. Текширишлар натижасида иш нарса маълум бўлдики, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юзичини рақамли буйруғи Ширин ва Янгиер шаҳарларида нотўғри қўллангани. Кўмита аралашуви билан катта маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиниб, эғал-

унон маблағ ажратилмаган. Масала тегишли ташкилотлар олдида қўндаланг қўйилди. Шундан сўнг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига йил охиригача 20 миллион сўм берилдиган бўлди.

Вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари ва касабаси уюшмаси тармоқ кўмитаси ходимларга етарли иш шароити яратишга интилоқда. Меҳнат муҳофазаси учун яхшигина маблағ сарфланди. Лекин, бу муҳим масалага етарли эътибор бермаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Сўнгги вақтларда 50 та объектда меҳнат аҳлига яратилган иш ша-

роити синчиқлаб ўрганилди. Талабга жавоб бермайдиган 13 та асбоб-ускунадан фойдаланиш таъқиқланди. Тартиб-интизомни бузганлик учун 18 нафар раҳбар шахсга жарима солинди. Тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофазалаш, соғломлаштириш борасида ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган даврда 583 киши санитарий-профилактика тартибларда ўз саломатлигини мустаҳкамлаш, 340 нафар фарзандларимиз оромгоҳларда яхши дам олдилар. Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Жисмоний тарбия ва спорт оммалашиб бормоқда. «Отам, онам ва мен» деб номланган оилавий спорт мусобақаси, аёллар беллашувларининг нафи катта бўлди. Кўриниб турибдики, биз мурасосозликдан ҳалос бўлиб, омилкорлик, ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатиб ишлашга астойдил ҳаракат қилляпмиз. Бу эришилаётган натижаларда ўз ифодасини топмоқда.

Р.АБДАЛИМОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Сирдарё вилоят кўмитаси раиси.

## ОСУДА КУНЛАР КАДРИ

Халқимизда қўшнинг тинч, сен тинч деган нақл бор. Уни шу кўнларда тез-тез ёдга олаётимиз. Қирғизистоннинг Боткен туманидаги воқеалар биз - Ўзбекистон фуқароларини ҳам жиддий ўйлантирмоқда. Яхши биламизки, ёвуз кўчлар нима қилиб бўлса-да, Урта Осиё минтақасида нотинчлик уйғотиш, қанчадан-қанча йиллар мобайнида дўсту қардон бўлиб келган халқлар ўртасига низо солиш пайида бўлишмоқда. Улар қанчалик уринишмасин, асло қора ниятларига етолмайдилар.

Х.АВВАЛОВ, уруш ва меҳнат фаҳиши.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилмоқда. Зеро, ўтказилаётган барча ислохотларнинг асл мақсади юртдошларимизга муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Шу боис ҳам аҳоли даромадларининг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам ошириб борилаётган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳўжалик ҳисобидаги қорхона ва ташкилотлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, албатта. Хусусан, ишчи-хизматчиларга маошнинг вақтида бериб бориш бу борадаги муҳим вазифалардан биридир. Бироқ, Тошкент вилояти прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар бу борада камчиликлар борлигини кўрсатди.

Шу йилнинг 1 августига қадар вилоятдаги 377 та ҳўжалик юртивучи субъект иш ҳақидан 1 миллиард 392,9 миллион сўм қарздор бўлиб қол-

ди. Мазкур қарзларнинг 488,8 миллион сўми қишлоқ ҳўжалик, 533,6 миллион сўми саноат, 162 миллион сўми қурилиш ташкилотларига тегишлидир. Вилоят ҳокимлиги, прокуратура ва бошқа назорат идоралари томонидан олиб борилган чора-тадбирлар - қорхоналар ўртасидаги ўзаро қарзларни ундириш, тайёр маҳсулот қолдиргани сотиш орқали бу борада муайян қилгишга эришилмоқда. Шунингдек, қорхоналарга тижорат банклари томонидан кредит ажратилаётгани ҳам иш ҳақи бўйича қарзларни қайтаришга ёрдам бераётди. Жумладан, Ангрендаги «Кўмир»

ҳиссадорлик жамияти 221,4 миллион сўм миқдорда кредит берилиши ишчи-хизматчиларга шу йилнинг май-июн ойлари учун маош тарқатиш имконини туғдирди.

Айни пайтда айрим раҳ-

барларнинг ўз хизмат вазифаларига бепарволиги оқибатида вилоятдаги бир қатор қорхона ва ташкилотлар ходимлари маошларини ўз вақтида ва тулик олаётгани йўқ. Бунинг сабаби оддий: қорхона раҳбарлари маҳсулотни сотиш, унинг ҳақини ундиришга панжа орасидан қарамоқ-

ҳизматчилардан салкам 57 миллион сўмлик қарзидан қутулди. Бироқ, қорхона раҳбарияти давлат томонидан кўрсатилган ёрдамни ўзича тушунди, 45,4 миллион сўмлик дебитор қарзини ундириш, оғирда тулланиб қолган 102 миллион сўмлик маҳсулотни сотиш ҳақида бош қотириб

кўрмади. Аксинча, банкнинг навбатдаги кредитига умид боғлаб ўтираверди. Натижада қорхонада иш тўхтаб қолди. Беқобод пахта тозалаш заводи, Беқобод норуда металл қорхонаси раҳбарлари ҳам ана

шундай боқибегамлик учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Оҳангарондаги «Сантехкуйма» ҳиссадорлик жамияти ишчилари ҳам кейинги вақтда маошга ёлчимай қолди. Қорхона маъмурияти бундай ҳолга барҳам бериш бўйича деярли ҳеч қандай амалий

тадбир қўлмади. Натижада одамларнинг қўли ишга бормай, тез орада ишлаб чиқариш таққа тўхтади. Текширишдан маълум бўлишича, қорхона 11,5 миллион сўмлик маҳсулотни насияга бериб юборган. Омборда яна олти миллион сўмликдан зиёд тайёр маҳсулот сотилмай қанг босиб ётибди. Айни пайтда шаҳар прокуратураси қорхона раҳбари учун бу асосий вазифадир. Бироқ, имконият бўла туриб, ходимларнинг қўнуний даромади - маошини вақтида тўлашга бепарво бўлиш кечирилмас ҳўл. Зеро, бировнинг ҳақи ҳиёнат қилиш халқимизга ҳам, қўнунимизга ҳам ёт иллатдир.

А.МАМАТҚУЛОВ, Тошкент вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи ўринбосари, Н.ДУШАЕВ, ЎЗА муҳбири.

## ОДАМЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ

Баъзи жамоаларда ойлик маош вақтида берилмаётганлигининг туб сабаблари

барларнинг ўз хизмат вазифаларига бепарволиги оқибатида вилоятдаги бир қатор қорхона ва ташкилотлар ходимлари маошларини ўз вақтида ва тулик олаётгани йўқ. Бунинг сабаби оддий: қорхона раҳбарлари маҳсулотни сотиш, унинг ҳақини ундиришга панжа орасидан қарамоқ-

ҳизматчилардан салкам 57 миллион сўмлик қарзидан қутулди. Бироқ, қорхона раҳбарияти давлат томонидан кўрсатилган ёрдамни ўзича тушунди, 45,4 миллион сўмлик дебитор қарзини ундириш, оғирда тулланиб қолган 102 миллион сўмлик маҳсулотни сотиш ҳақида бош қотириб

шундай боқибегамлик учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Оҳангарондаги «Сантехкуйма» ҳиссадорлик жамияти ишчилари ҳам кейинги вақтда маошга ёлчимай қолди. Қорхона маъмурияти бундай ҳолга барҳам бериш бўйича деярли ҳеч қандай амалий

тадбир қўлмади. Натижада одамларнинг қўли ишга бормай, тез орада ишлаб чиқариш таққа тўхтади. Текширишдан маълум бўлишича, қорхона 11,5 миллион сўмлик маҳсулотни насияга бериб юборган. Омборда яна олти миллион сўмликдан зиёд тайёр маҳсулот сотилмай қанг босиб ётибди. Айни пайтда шаҳар прокуратураси қорхона раҳбари учун бу асосий вазифадир. Бироқ, имконият бўла туриб, ходимларнинг қўнуний даромади - маошини вақтида тўлашга бепарво бўлиш кечирилмас ҳўл. Зеро, бировнинг ҳақи ҳиёнат қилиш халқимизга ҳам, қўнунимизга ҳам ёт иллатдир.

А.МАМАТҚУЛОВ, Тошкент вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи ўринбосари, Н.ДУШАЕВ, ЎЗА муҳбири.

# САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРИК

Жорий йилнинг сўнги ойлари ҳамда 2000 йилнинг бошланиши мамлакатимизда сайловлар даври сифатида тарих саҳифасига муҳрланади. Халқимиз билан, таянган ва чуқур ишонган вакиллари Олий Мажлис депутатлигига сайлайдилар. Давлатимиз раҳбари - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам сайланади. Икки мингичи йилликда Ватанимиз тараққиёти, янги асрдаги юртимиз равнақи мана шу сайловлар натижасига кўп жиҳатдан боғлиқ эканини ҳар бир фуқаро яхши тушунади. Айни пайтда кишиларда сайловлар жараёнида айрим саволлар туғилиши табиийдир.

Хўш, бу борада кимларга мурожаат қилиш мумкин? Аввал хабар қилганимиздек, Тошкент шаҳар Навоий кўчасидаги 16-уйда Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ташқил этилган. Сиз у ердаги масъул ходимлардан барча саволларга жавоблар ёки йўл-йўриқлар олишингиз мумкин.

1. Матбуот маркази раҳбари - телефон: 144-01-05; 139-43-91.

2. МСК матбуот гуруҳи катта референти - тел: 139-43-24.

3. Жамоатчилик билан алоқалар бўйича маслаҳатчи - тел: 144-01-08; 144-01-23.

Шу ўринда сайловчиларимизга қуйидагиларни эслатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб

тегишли рангдаги нарсаларни ёки тарғибот ишларига дахлдор ашёларни олиб юрмасликларни;

5. Сайлов жараёнидаги баъзи бир камчиликларни учратган тақдирда уларни жойлардаги масъул шахслар эътиборига ҳавола этишлари, аммо зинҳор ўзларича ташаббус кўрсатмасликларни ва кўрсатма бермасликларни;

6. Ўзлари иштирок этган сайлов участкаларида амалга оширилмаётган ишлар ва бошқа маълумотлар ҳақида шахсий фикрларини ҳамда текшириш мумкин бўлган асосли фактлар ҳақида ёзма равишда баён этишлари;

7. Журналистлар ёки манфаатдор шахслар билан мулоқотларда шахсий фикрларини зўрма-зўраки тикиштирмасликларни;

8. Сайловдан кейин зарурат туғилган тақдирда муҳокамаларда иштирок этишлари;

9. Мамлакатнинг амалдаги қонун-қондаларига ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишлари лозим.

**Бугунги кунда жамоа шартномаларига муносабат тубдан ўзгарди. Амалдаги меҳнат қонунларига кўра жамоа шартномаси меҳнат муносабатларининг барча иштирокчилари, шу жумладан, давлат идоралари учун ҳам ҳуқуқий ҳужжатга айланди. Жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш ва тузиш чоғида амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, тармоқ касабга уюшмаси Марказий кўмитаси билан юқори идоралар ўртасида тузилган Битимларнинг талаблари қатъий равишда ҳисобга олинмоқда. Битимларда белгиланган йўналишлар, талаблар орқали меҳнатқашлар учун жуда катта имтиёзлар яратилмоқда. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. «Ўзсаноатфукароқурилиш» корпорацияси, «Ўзмонтажмахсуқурилиш» ассоциацияси қорхоналарида ва «Ўзқурилишматериаллари» компаниясида барча ходимларга 18 иш кунидан кам бўлган меҳнат таътиллари берилмоқда. Шунингдек, меҳнат стажига қараб яна қўшимча 7 кунгача таътил берилади.**

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, тармоқдаги қорхоналар, ташкилотларда моддий шарт-шароитлардан келиб чиқиб жамоа шартномаларида дастлаб белгиланмасда Битим йўли-йўриқларидан келиб чиққан ҳолда йил давомида қўшимча имтиёзлар киритилиб меҳнатқашларга қўлайликлар яратилмоқда. Масалан, Тошкент металл-конструкциялар, «Оҳангароншифер», «Оҳангаронлипласт», «Бекободцемент» каби ҳиссадорлик жамиятларида нол разряд микдори жамоа шартномасида белгиланганидан юқори қилиб киритилди.

Жамоа шартномаларида ишлаб чиқаришда бахтсиз воқеа юз берса, меҳнат қобилиятини қисман ёки тўла йўқотган кишиларга бир йўла туланидиган нафақаларнинг микдори моддий имкониятга қараб кўпайтириб берилмоқда. Масалан, жамоа аъзосига учинчи гуруҳ ногиронлиги белгиланса бир йиллик иш ҳақи, иккинчи гуруҳ белгиланса уч йиллик иш ҳақи микдорига нафақа туланади.

Кейинги вақтларда тармоқдаги ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида катта маблағлар ажратилмоқда. Ҳисобот даврида 996 миллион сўм сарфланди. Бу маблағлар моддий ёрдам кўрсатиш, ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш, болаларни соғломлаштириш, пенсионерларга моддий ёрдам бериш, меҳнат муҳофазаси, маданий-спорт ишлари ва бошқаларга ажратилган. Айниқса, «Оҳангароншифер», «Бекободцемент», «Оҳангаронцемент», «Об-

олдин таътил берилмоқда. 3 ёшгача фарзанди бўлган оналарга энг кам иш ҳақи микдорига ойлик нафақа туланмоқда. Боқувчисини йўқотган аёлларга қорхона фойдаси ҳисобидан ҳар ойда 1500 сўм микдорига нафақа берилган.

— Айни пайтда, - деди конференцияда маъруза қилган Тошкент вилояти Қурилиш ва қурилиш санъати ходимлари касабга уюшма кўмитасининг раиси Т.Давлатов, - касабакўмлар ижтимоий шерикчилик йўналишида маъмурият билан ҳамкорликда меҳнат шартлоларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қи-

ган муваффақиятлар ва илгор тажрибаларни таъкидлаган ҳолда юз берган камчиликларни ҳам каттик танқид қилдилар.

Айрим қорхоналарда битимларда кўзда тутилган йўл-йўриқлар, шартнома қараб белгиланган имтиёзлар қўлланилмаяпти. Ангрен қурилиш материаллари, учинчи механизациялашган қорхона, «Ўзбекшахтақурилиш» каби ҳиссадорлик жамиятларида шу каби мисолларни кўриш мумкин.

Кейинги йилларда ходимларга иш ҳақини ўз вақтида тўламоқда ҳолатлари кўпаймоқда. Ай-

қуйма» акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқаришда жароҳатлини даражаси аинқиса ташвишланарлидир. Хўш, нега бундай бўлмоқда. Чунки, техника ҳавфсизлиги қўдаларига риоя қилинган талаб даражасидан анча орқда. Бу борада ўнча бўш ташкил этилган. Янги ишга қабул қилиш вақтида зарур йўриқномалар билан лозим даражада таништирилмайди. Касабга уюшма кўмитаси эса қатъият кўрсатмаяпти, техника ҳавфсизлиги муҳандисларининг ҳисоботларини тинглайди-ку, лекин амалий томонларига етарли эътибор берилмайди.

Касабга уюшма кўмиталари «Меҳнатни муҳофазалаш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасидаги ўзларига тегишли ҳуқуқлардан етарли фойдаланмаяптилар. Жойларда касабга уюшма кўмиталарининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялари фаол ишламаяптилар. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг иши мунтазам назорат қилиниб йўналтириб борилмади.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти касабга уюшма кўмитасининг раиси Н.Дергаз, Чирчиқдаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати касабга уюшма кўмитасининг раиси Ж.Сафоев, «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти профилаторийини ҳамшираси М.Инжеватова, «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти касабга уюшма кўмитасининг раиси Б.Йўлдошев, «Тошвилқурилиш» ҳиссадорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси Ш.Расулов ва бошқа нотиклар касабга уюшмалари фаолиятларини бозор шартлоларидан янада такомиллаштириш, меҳнат муҳофазасини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришда шикастланиши камайтириш ҳамда ишчи-хизматчиларни махсус иш кийимлари ва яқна ҳимоя воситалари билан тўла таъминлаш, жамоа шартномаларининг нуфузи ва аҳамиятини ошириш, меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, ишларини шу кун талаблари асосида ташкил этиш юзасидан аниқ тақлифларни баён этдилар.

## Касабга уюшма ҳаёти: муаммо кўндаланг қўйилади

# ИШЧИ ЭЪТИРОЗИ УНГА САБАБ НИМА?

ликони», «Чирчиққурилиш», «Оҳангаронлипласт» каби ҳиссадорлик жамиятлари жамоа шартномаларида бу нарсага алоҳида эътибор берилмоқда.

Тармоқда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари доими диққат марказида бўлмоқда.

Уй-йўли муаммоси ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Қўлгина қорхоналар ва ташкилотларнинг жамоа шартномаларида яқна тартибда уй қурувчи ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш, фойсиз қарз бериш кўзда тутилган. «Бекободцемент», «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятларида бундай ёрдамларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Қорхона ва ташкилотларнинг жамоа шартномаларида кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ёрдамни қўлайтириш аънавий тўсга кирмоқда. Аёллар йили муносабати билан девяри барча қорхона ва муассасаларнинг жамоа шартномаларида қатор қўшимчалар киритилди. Чунки бир қатор қорхоналарда декретга кетаётган аёлларга иш ҳақи 50 фойзи сақланган ҳолда муддатдан икки ой

лиш, ишлаб чиқаришда шикастланиши камайтириш йўлида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиклар меҳнат муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишлар, илгор тажрибалар ва уларни оммалаштириш ҳақида тўхталдилар. «Тошвилқурилиш», «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятларида бу борада намунали ишлар қилинмоқда. Конференция қатнашчилари ишлаб чиқариш масалалари билан бирга маданий-маърифий, оммавий-спорт тадбирлари, дам олишни ташкил этиш, соғломлаштириш ҳақида ҳам фикр юритдилар.

«Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятида бу борада илгор тажрибалар тўплаган. Бўш вақтлари мазмунли ўтказиш бўйича тадбирлар тузиб амалга оширилмоқда. Дам олиш кечалари, ишлаб чиқариш илгорлари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан урчауварлар, турли танловлар ўтказиш аънавога айлиниб қолган. Тошкент металл-конструкциялари жамоасида болалар ижодиёти уйи намунали йўлга қўйилган.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиклар эришил-

рим жойларда 5-6 ойлаб маошлар туланмади. Натижада малакали ишчи-хизматчилар, ходимлар ишдан бўшаб кетишмоқда. Жойларда касабга уюшма кўмиталари бу борада меҳнатқашларни ҳимоялашда ўз иродаларини кўрсатолмаяптилар. Айрим жойларда малакали қурувчилар етимияпти, бир ёқда эса ойликларнинг берилмаслиги сабаб кўп йиллардан бери ишлаётган бунёдкорлар ишдан бўшаб кетишмаяпти. «Тошвилқурилиш», «Сантехқўйма», «Ангренқурилиш», «Олмаликқурилиш» ҳиссадорлик жамиятларида 5-6 ойлаб иш ҳақи туланмаслиги жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида ҳам камчиликлар оз эмас. Бу мақсадга етарли маблағлар ажратилмаяпти. Ишчи-хизматчиларни махсус кийим-кечак, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, сут, совун билан таъминлаш муаммолари кескинлигича қолмоқда.

Тармоқда ишлаб чиқаришда жароҳатлини камайтмайпти. Ҳисобот даврида 172та ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳолатлари юз берди.

«Оҳангаронцемент», «Оҳангароншифер», «Пўлатмонтаж», «Сантех-

## ОДАМЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номли маданий ва истироҳат бони шу кунларда одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерда пойтахт вилояти меҳнатқашларининг аънавий ҳосил байрами ўтказилди.

Вилоят бободехқонлари жорий йилда ҳар қачонгидан мўл ҳосил этиштирмоқдалар. Давлатга дон сотиш режаси ортиги билан адо этилди. Айни пайтда эл дастурхонига мўлқўл дала ноз-неъматлари етказиб берилмоқда. Ҳосил байрамида миришқорларнинг ана шундай яратувчанлик меҳнатини тараннум этувчи «Меҳржон - шукроналик» театрлаштирилган томошалари намойиш этилди. Айни вақтда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси очилди. Лаззатли таомлар тайёрлаш ва дастурхон тузаш бўйича кўрик-танловлар, спорт беллашувлари ҳам бўлиб ўтди.

## ТАДБИРКОРНИНГ ЯНГИ ЦЕХИ

Эллиққалъа туман ҳокимлиги ишбилармон ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб қувватламоқда. Бу эса янги кичик қорхоналар иш бошлашига, қўллаб иш ўринлари вужудга келишига муҳим омил бўлаяпти. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланаётган тадбиркор (суратда) Худоберган Ҳожиёв яқинда сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех барпо этди. Унда ишлаб чиқарилаётган 9 хил маҳсулот харидорларга маъқул келмоқда. Тадбиркор айни кунларда ҳам тинчигани йўқ.

Нон ишлаб чиқариш-тиқиш цехида юрибди. ҳам фаолият нафар ёшлар иш нади.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



## ШОЛИКОРЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани «Ўзбекистон» ширкатлар уюшмасига қарашли «Орзу» ва «Жайхун» фермер ҳўжаликлари давлатга шоли топшириш режасини бажарди. Қабул пунктларига юз тоннадан зиёд дон етказиб берилди. Дехқонлар гектар бошига яна 20 центнердан шоли топшириб, ялпи ҳосилдорлигини 60 центнерга етказиш ниятида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Мирзаобод Сир воҳасидаги қолоқ туманларнинг бири. Иқтисодийдаги ноқорликнинг туб сабабларини кимдир ернинг ноқоблиги оқибатидан деса, бошқалар кадрлар кўнимсизлигини сабаб қилиб кўрсатади. Фикримизча, иккинчисидеа кўпроқ ҳақиқат ётади. Жумладан, кейинги икки йилда уч нафар ҳоким алмашди. Бирок, иш орқасга кетса кетдики, олдинга босмади. Ҳатто, агросаноат мажмуи ходимлари туман кўмитасининг тўрт ойлик раиси Урол Тошмураднинг вазифасидан четлатилганлиги кўпчиликни хайратга солди. Сансалорлик, «узрли» бахоналарни рўғач қилиш, баъзи ета» илар тармоқдаги аҳвол билан танишиб улгурмасданок унинг ўрнига иккинчисини тайинлаш, боқимандалик қайфияти умумий ишга жиддий тўғанок бўлмоқда. Айрим ҳўжаликларда ойлаб маош олмаётган дехқонлар қайфиятини тушуниш мумкин.

Мутахассислар, тажрибали дехқонлар билан очикчасига сўхбат жараёнида агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Мирзаобод туман кўмитаси ўз мақеини тўла кўп берганлигига ишонч ҳосил қилдик. Ишонсизлик, пала-партишлик катта имтихон са-

## «Ишонч» бонг уради

муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳақида лом-мим дейилмади. Маърузачи бир ерда кўмита таркибида 21 та бошланғич касабга уюшма ташкилотли борлиги ҳақида гапирса, бироз ўтгач, бу ракам камайтириб кўрсатилади. Умуман, чилиқлар бўлгани учун туман ҳокимлиги ва ҳўжалик касабга кўмиталари билан келишиб, йиғилишни декабр-январ ойида якуний қилиб ўтказишга келишилди...» Фикримизча, бунга изохнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бутун бошли конференцияда ҳисобот давридаги ишлар таҳлили, танқид, ўз-ўзини танқид сезилмади. Меҳнатни ташкил этиш, уни рағбатлантириш, техника ҳавфсизлигига риоя этиш, меҳнатчилар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида жиддий камчиликлар борлиги аён-қу? Ахир, конференцияда улар ҳақида очик-часига фикр юритилмаса, қачон гапирилади? «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилидаги чиркин одатдан қачон қутиламиз? Дехқонлар яхши би-

## «ЎЗСАЙНЕТ» ИЛМИЙ ТАРМОҚ

Бугунги кунда турли ахборотларни жойларда оммалаштиришда интернет тармоғи воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Илмий-техник янгиликларни кенг ёйишда ҳам бу алоқа усули кўл келмоқда.

Бундай жараёнларни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-техника институти алоҳида лойиҳани амалга оширди... Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари учун «ИНТЕРНЕТга уланган илмий тармоқлар яратиш» деб номланган бу илмий лойиҳанинг юзага келиши-

да Шимолий Атлантика Шартномаси ташкилоти - НАТО томонидан ажратилган грант муҳим молиявий аҳамият касб этди.

Шу тариқа «Ўзсайнет» илмий тармоқ боғламаси рўёбга чиқди. Бу эса илмий муассасаларнинг халқаро алоқаларини янада кенгайтириш учун мустақам замин яратди. Натижада жаҳон ахборот марказига иккита мустақил алоқа йўналишидан фойдаланиш мумкин бўлиб қолди.

Ақбар АЛИЕВ.

## ХОНГУЛ КЎПАЙМОҚДА

Оролбўйидаги экологик фалокат зонасида ҳозир 4 та кўриқхона мавжуд. Шундан иккитаси Ўзбекистон ҳудудига жойлашган. Улардан бири Қизилқум қўриқхонаси, иккинчиси эса Оролбўйидаги Бадайтўқай кўриқхонаси. Бу Қорақалпоғистон ҳудудига жойлашган ягона кўриқхонадир. У Амударёнинг ўнг соҳилида, Нукусдан тўқсон километр жанубда бўлиб, олти минг гектарга яқин майдонни эгаллайди.

Қўриқхонада авайлаб-асралаётган энг қимматли ҳайвонлардан бири хонгул - Бухоро кийигидир. Бир вақтлар хонгул кийиклари жуда камайиб кетган ва табиатни муҳофаза қилиш ҳалқаро уюшмаси ҳамда Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган.

Бу ажойиб чиройли ҳайвонни сақлаб қолиш учун вақтида барча зарур чоралар қўрилгани тўғрисида хонгул кийиклари анча кўпайгани қайд этилмоқда.

## СПАРТАКИАДА ГОЛИБЛАРИ

Самарқанд вилояти касабга уюшмалари кенгашининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти меҳнатқашларни спортга кенгроқ жалб қилиш учун тармоқларо «Саломатлик» спартакиадасини ўтказди. Спартакиада қатнашчилари спортнинг олти тури бўйича куч синнашдилар. Биринчи ўринни алоқа ходимлари касабга уюшмаси вилоят кўмитасининг жамоаси эгаллади. Иккинчи ўрин қишлоқ туманларининг терма жамоасига насиб этди. Учинчи ўринни енгил, тўқимачи санъати ва коммунал хизмат ходимлари касабга уюшмаси вилоят кўмитаси жамоаси эгаллади. Спартакиадада турли соҳаларда ишловчи 500га яқин меҳнатқашлар қатнашдилар.

К.БОЙМУРОДОВА «Ишонч» мухбири.

# МАВҚЕ БОЙ БЕРИЛГАЧ

Хал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган цех, гуруҳ касабга уюшма ташкилотлари ҳақида аниқ тасаввур йўқлиги маълум бўлди.

Ҳисобот маърузасида айқаш-уйқаш жумлалар, пайдар-пай сўзлар давом этaverди. Бир жумлани айнан кўчирмади: «1998 йил меҳнат шартномасининг ярим йиллик якуни юзасидан йиғилишлар бўлмади. Сабаби, экиш мавсумининг кечикиб кетиши» (?) дала ишларини ҳар томонлама йўлга солишда кўп қийин-

Хисобот маърузасида баъзи дехқон-фермер ҳўжаликлари кўкка кўтариб мақталса, бироз ўтгач, «Отахон», «Оқ бўта», Имомов номли дехқон-фермер ҳўжаликлари қолоқлик гирдобига ботганлигини қаттиқ танқид остига олинган. Гапнинг рости бу ҳам конференция иштирокчиларида ҳайрат уйғотди. Ахир, кўмита фаолиятининг ўзида қанчандан-қанча камчиликлар бор-ку. Уларни четлаб ўтишдан не фойда? Иккиланмай айтиш мум-

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

# «ИШОНЧ» - МУХЛИСЛАРИ ҲУЗУРИДА

Учрашувнинг айнан олтин куз фаслида ўтказилиши бежиз эмас. Биринчидан, бу пайтга келиб пахта йигим-терими айна авжга чиқса, иккинчидан, оммавий ахборот воситалари учун ҳам обуна мавсуми бошланади. Зеро, бир жиҳатдан биз қаламқашлар ўз қаҳрамонларимизни дил сўзларимиз билан рағбатлантирсак, яна бир жиҳатдан ўз ижодимизга муносиб баҳо олишимиз учун бундан кўра қулай фурсатни топиш кийин.

Шубҳасиз, Шахрисабз тумани Парда Шербобоев номли жамоа ҳўжалигининг 3-бригадасида бўлиб ўтган бу учрашув хотирамида узок вақт қолади. Ҳамма гаплар айтилди: мактов сўзлар ҳам, эътирозлар ҳам. Самимий ва ошқора муло-

қот барчага бирдек манзур бўлди. Туман касабаси уюшма кўмитаси раиси Ғузур Маматов, «Шахрисабз тонги» газетасининг бош муҳаррири Сўҳроб Рустамов, ҳўжалик бошқаруви раиси Ғофуржон Азимов ва бошқалар бундай учрашувларга аънавий тус бериш истагини баён этдилар.

Шоир Дилмурод Қосим янги шеърлари ва Республика кўзиқилларининг 1997 йилги совриндори Аскар Умиров ичакўзди аскиллари билан учрашувга фойз киритдилар. Меъзонлар ҳам қарздор бўлиб қолишмади. Ҳўжалик клуби қошида ташкил этилган Нейматжон Турдиев бошчилигидаги ансамбл иштирокчилари ўзларининг дилрабо куй-кўшиқлари билан кўнглиларга ҳузур бахш этдилар.

Роппа-роса ўн беш ойдан кейин янги минг йилликка, XXI асрга қадам қўямиз. Ўтган давр мобайнида инсоният мисли кўрилмаган ютуқларга эришди, оламшумул кашфиётлар қилди. Биргина сўнги юз йилликнинг ўзидано радио, телефон, телевизор кашф қилинди. Минг йиллик орзулар ушалиб, инсон самога парвоз қилди. Ҳатто ер кўррасидан йўл олган одамзот оёғи ойга бориб етди.

Санаб адоғига етиб бўлмайдиган, инсон ақлу шуури билан яратилган бундай мўъжизалар ҳаммиша башар аҳлини лол қолдириб келган. Аммо биз ўтмишимизни, аждодларимиз ҳаётини, халқимизнинг чуқур илди издан тарихини қанчалик чуқур ўргансак, шунчалик кўп мўъжизаларга дуч келаверамиз. Сохибқирон бобомиз Амир Темурнинг киндик қони томган кўна Кеш-хуррият нуридан чирой очиб бораётган янги Шахрисабзда ҳам ана шундай ҳол юз берди. Шаҳарга қадам қўйганимизда бобокўёш ўзининг илк мўъжизакор нурларини соча бошлаган эди.

Олти аср ўтса ҳам на табиатнинг беаёв суронларига, на сўқир одамларнинг талон-тарождарига қарамай, қаддини гоз тутиб турган Оқсарой ижодкори бобомиз Амир Темур пойида бош эг-

дик. Кейин Шахрисабзнинг ўтмишидан сўйловчи тарихий обидалар, бугунги қиёфасини кўз-кўз қилиб кўрилмаган ютуқларга эришди, оламшумул кашфиётлар қилди. Биргина сўнги юз йилликнинг ўзидано радио, телефон, телевизор кашф қилинди. Минг йиллик орзулар ушалиб, инсон самога парвоз қилди. Ҳатто ер кўррасидан йўл олган одамзот оёғи ойга бориб етди.


қиримдан, ҳеч бир қурилмасиз, сопол қувурлардан олиб келинган сувнинг юзгадан зиёдроқ баландликда, Оқсарой тепасига қурилган ҳовузга кўтарилиши мўъжиза эмасми?

Ўзининг қадимийлиги ва

бийи равишда фақатгина ўсимликлардан олингани-чи? Ё бўлмаса Жаҳонгир Мирзо макбараси ичида ҳеч бир асбобсиз қишин-ёзин бир хил мўътадил хавонинг сақланиб туриши-чи? 500 йилдан ўн асргача умр кўрган улғур чинорлар ҳам бизнинг кўзимизга мўъжизадек кўринди. Айниқса, ана шундай улғур чинорлардан тилиб тайёрланган, на бирмих, на бир улғурсиз, яқлит ҳолда ишланган улкан макбара эшиқлари ҳам айна мўъжизадир.

Шахрисабз билан қанчалик кўп танишсак, шунчалик кўп мўъжизага дуч келавердик. Аммо энг катта мўъжизани мустақиллигимизни мардона мустақамлаётган Ғофуржон Азимов раҳбарлигидаги Парда Шербобоев номли жамоа ҳўжалиги, айниқса, Шербобо Нурбобоев етакчилиги қилаётган 3-бригада меҳнатқашларининг фидокорона меҳнатларида кўрдик. Уларнинг мўъжиза қор кўллари тиклаган «оқ-олтин» хирмонларида, кўз илғамас кенгликларда бунёд этилган бой-роғларда, келажакка пойдевор қурилишларда кўрдик. Янаям тўрироғи, мўъжиза Шахрисабз халқининг буюк келажакка ишонч балқиган кўзларида, хуррият кўёши барқ урган юзларида, мустақам ирода, иймону эътиқод акс этиб турган сўзларидан бор бўйи билан намоён бўлди.

## МЎЪЖИЗАЛАР ЮРТИ



Нафсиламбирини айтганда, бу қадимий ва навқирон маъво билан қанчалик чуқурроқ танишсак, бизга йўлбошловчилик қилган шаҳар сайёҳлик бошқармасининг таржимони, серқирра билим сохибаси Шаҳодат Йўлдошевнинг сермазмун ҳикояларини қанчалик тингласак, шунчалик кўп мўъжизаларга дуч келавердик.

Олти аср ўтса ҳам ўз жилосини йўқотмаган, минг шаклу шамойилда турлаб турувчи Оқсарой деворининг қосинлари мўъжиза эмасми? Ёки ўнлаб ча-

улғурлиги билан Ўрта Осиёдаги энг биринчи масжидлардан саналган, Дорултиловат мажмуига кирувчи Қўқумбаз масжиднинг ўзи бир олам мўъжиза-ку! Бугунги кундаги энг замонавий техника асбобларидан ҳам кучлироқ акс-садо берувчи гумбаз тоқлари бир мўъжиза бўлса, масжид тўрига қурилган меҳроб ер ости силкинишини тенг ярмига қисқартириш ҳусусиятига эгаллиги яна бир мўъжизадир.

Гумбази Сайидан макбарасини безатишда ишлатилган рангларнинг та-

## «Ҳар бир фуқаро эътиборда» МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Инсон қандай иш билан машғул бўлмасин, пировард-натияжада унинг махсули халқ фаровонлиги, турмуш тарзининг яхшиланиши, одамларнинг бахт-саодатли ҳаёт кечиришларига хизмат қилиши лозим. Жамоа ҳўжалиги аъзолари ҳам худди ана шу мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Салкам тўққиз юз гектарлик умумий экин майдонининг ҳар бир қариндан мўл ҳосил ундириш иштиёқида заҳмат чекаётган миришқорларимиз жорий йилда 380 гектар бугдойзорнинг ҳар бир гектаридан 30,6 центнердан ҳосил олишди. 46 оилавий пудрат ихтиёрида 315 гектар пахта майдони бўлиб, унинг ҳар бир гектаридан 31 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб туришимиз. 115 гектарга экилган бедани 120 центнердан ошириб ўриб-йигиб олдик. Шунингдек, 4 гектарга экилган картошқадан 40 тоннадан зиёд, 8 гектар майдондан 200 тонна пивёз олинди. Помидордан ҳам мўл-ҳосил кўтарилди.

Ҳўжалик фермасидаги 625 қорамолнинг 200 таси ситирлар бўлиб, бу йил яна Германиядан 14 та зотдор ситирлар олиб келинди. Улардан келажакда кунига 40 килограмдан ортик сўт олиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари улар бошқа моддий рағбатлантиришлар ҳам олиб туришибди.

Шунингдек, хотин-қизлар кенгаши ҳамда маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликда қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳар бир байрам, тарихий саналар, халқимиз ва Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломаларнинг, таълиқ кишиларнинг таваллуд кунлари байрамона руҳда нишонланмоқда. Жумладан, Аёллар йилга бағишлаб ўтказилган «Жаннат аёллар оёғи остида» каби тадбирларимиз кўпчиликка манзур бўлди.

Ешларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсади-

да ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» каби давра сўхбатлари, очик мулоқотлар яхши самаралар бермоқда.

Уқувчи ешларнинг китобга бўлган мухаббатини, китобсеварлик маданиятини ривожлантириш йўлида ҳўжаликдаги 45-ва 46-мактаблар ўртасида доимий равишда «Энг китобхон синф» куриктанлови ўтказилмоқда.

Шубҳасиз, соғлом мухитни юзага келтиришда спортга эътибор ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси каби секциялар мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Бу йил туманда ўтказилган волейбол ва шахма-шашка мусобақаларида жамоаларимиз иккинчи ўринни олишгани тасодиф эмас.

Ҳўжалик раҳбариятининг ҳам, жамоат ташкилотларининг ҳам асосий диққат-эътибори кишиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилаётир. Масалан, ўтган ойда ҳўжалик аъзоларига 288 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, 109 минг сўмлик рағбатлантирилди. Мустақиллик байрами кунинда эса 32 нафар кам таъминланган, боқувчисиз қолган оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига эҳтиром кўрсатилган...

Буларнинг ҳаммаси ҳўжаликдаги ишларнинг яхши йўлга қўйилганини, ислохотларнинг ислохот учун эмас, балки одамлар манфаати учун амалга оширилаётганини, кишиларимизнинг меҳнатга муносабати юксак даражада эканини ва эртанги кунга, буюк келажакка бўлган юксак ишончнинг самарасидир.

**Ғофуржон АЗИМОВ, Парда Шербобоев номли жамоа ҳўжалигининг бошқаруви раиси.**

**Миллат ва жамият келажакга ҳал бўлаётган бугунги мураккаб ва шарафли даврда буюк ватандошимиз Чўлпоннинг: «Бутун кучни халқ ичидан олайлик, Кучок очиб халқ ичига борайлик!» деган ибораси нақадар долзарб эканини юракдан ҳис этган қалам соҳибларининг тинчликка, аҳилликка, бунёдкорликка даъват этувчи сўзлари онгли фикрлайдиган, Ватан дарди билан яшайдиган ҳар бир одамнинг қалбига йўл топади.**

Ислон КАРИМОВ



**Суратларда: (Юқорида) серфайз шийпонда дам олиш пайти. (Пастда) ҳўжалик газначиси теримчиларига далада иш ҳақини тарқатмоқда.**

## Учрашувда ўқилган шеър БОЛАЛИКНИ СОҒИНИБ

Болаликнинг кўчалари кўздан ўтар,  
Умр - қарвон, тўхтамайди, мангу кетар,  
Юрагимга зангор соғинч тийдай ботар,  
Болалигим, сен ҳам мени соғиндингми?

Майса гилам - яланг оёқ чопар эдим,  
Кўк далада кўкка қараб ётар эдим,  
Ялпизларнинг бўйларидан ўпар эдим,  
Ялпизгинам, сен ҳам мени соғиндингми?

Болаликнинг кўчалари тор эмасди,  
Мурғак дилим ғам-ташвишга зор эмасди,  
Дилмуроднинг ўқинчларга ёр эмасди,  
Ай, шўхлигим, сен ҳам мени соғиндингми?

Энди ўша осмон тўла кўзлар қани?  
Қирда қолган яланг оёқ излар қани?  
Кўл ушлашиб югуришган қизлар қани?  
Синфдошим, сен ҳам мени соғиндингми?

Зору ҳайрон тентирайман «ТОШ»лар аро,  
Кўзларимда қалқиб турган ешлар аро,  
Сенга етиб боролмайман тушлар аро,  
Ўзганим айт, сен ҳам мени соғиндингми?

Дилмурод ҚОСИМ.

## Дилдан ташаккур ЁЛГИЗЛИГИМНИ БИЛДИРИШМАЯПТИ

Агар сенинг қилган меҳнатинг эъозланса, эътиборга олинса, шунинг ўзи катта бахт экан. Мен буни ўз тақдиримда синаб кўрдим. Узок йиллик қилган меҳнатларим зое кетмади. Яқка-ёлғиз яшасам-да, қишлоқдошларим, ҳўжалик раҳбарлари ёлғизлигимни билдиришмаяпти.

Ҳўжаликдаги 900 га яқин пенсионерларнинг 22 нафари уруш ногиронлари, улардан 4 нафари эса биринчи гуруҳ ногиронларидир. Ҳўжалик раҳбарлари, касабаси уюшма ташкилотлари, хотин-қизлар кенгаши ҳамда маҳалла фаоллари биз қарияларнинг ҳолидан ҳаммиша хабардорлар. Қариликнинг гашти билан бирга ўзига хос қийинчиликлари ҳам бор. Худого шукур, шулар бор эканки, бизни ҳеч нарсага зориқтиришмаяпти. Яқинда ҳўжалик ҳисобидан менга ошқона ва бошқа ёрдамчи ҳўжалик хоналари қуриб беришди. Умумий қиймати 80 минг сўмлик бўлган бу қурилишни менга ўхшаган бир пенсионер одам ўз кучи билан қўра олмасди, албатта.

Менга ўхшаб боқувчисини йўқотган яна бир оилага ҳам ҳўжалик ҳиммат қўрсатди. Яъни, унинг шаҳарда ўқийдиган ўғлини доимий стипендия ҳамда жамоада ишлайдиган қизини энг юқори ойлик маоши билан таъминлашни ҳўжалик бошқаруви ўз зиммасига олди. Энг муҳими, яқка-ёлғиз оилаларни, пенсионерларни, айниқса, илмга ташна ешларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни раҳбарият ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади.

Ана шундай бағри кенг инсонлар ҳақида газетанда кўпроқ ёзинг.

Тўхта момо ХИДИРОВА, пенсионер.



## Тақлиф

Республикада жуда кўпга газета ва журналлар чоп этилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос йўналишга ва ўз ўқувчиларига эга.

«Ишонч» газетасининг ўзига хос томонларидан бири шуки, унда доимий равишда «Ҳуқуқий маслаҳатхона» фаолият кўрсатади. Қайси ёшда ва қайси

## ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ КЕРАК

касбда бўлмасин, ҳар бир одам ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топа олади.

Газетанинг спортга бағишланган саҳифалари, қизиқарли бошқотирмаларни эълон қилиши, айниқса, «Билиб қўйган яхши», «Энг, энг, энг...», «Ҳар тўғрида», «Оламда нима гап» каби турли рункларда чоп этилаётган мақолалари ҳам бизларга манзур бўлмоқда.

ним учун ҳам баъзи-бир тақлиф ва мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчи эдим. Назаримда, «Ишонч» газетасида қисса ва романлардан парналар, шеърин асарлар, ҳажвий ҳикоялар нисбатан камроқ эълон қилинмоқда. Агарда газетанинг шанба кунги сониди «Дам олиш саҳифаси» ташкил этилса, у янада ўқимшироқ бўларди.

Норбиби УМАРОВА, пудратчи.

## Бир янглик шарофати БИЗ НИМАДАН БОЙИДИК?

Эрта билан пахтазор кезиб бир қувонсам, оқшом чоғи хирмонга қараб икки қувонсам. Ҳар қалай меҳнатларимиз зое кетмабди, деб уйлайман. Довондан ошганимизга ҳам уч-тўрт кун бўлиб қолди. Кунига 6-7 фоиздан ўсишга эришяпмиз. Хавойи-жаҳонни бериб турса, шу ой ичи ёки нариса билан келаси ойнинг бошларида режани ҳам бажарамиз. Мўлжал мавжуд 30 гектар майдондан 35 центнердан оқ олтин олиш. Бу режадагидан тўрт центнердан кўп демасдир.

Шубҳасиз, бу муваффиятлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ютуқлар замирида, авваллаб, аъзоларимизнинг фидокорона меҳнати ётибди, қолаверса, меҳнатга рағбат яхши йўлга қўйилганини, иш ҳақи ўз вақтида берилганини тўғридан тўғри эришилаётир. Энг муҳими, ҳаммамизнинг оила ва рўзгордан қўнглишимиз тинчлигимиз, десам тўрироқ бўлади.

Мана, ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг. Илғор теримчиларимиз Муқаддам Зоҳидова ва Мавлюда Носирова ҳар кун 150-160 килограммга етказиб пахта теришяпти. Энди ана шу қилоларни саккизга кўпайтириш, қанча бўлади. 1000 сўм ва ундан ҳам ошиб кетади. Бундай теримчилар эса, нафақат бизнинг, ҳўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам кўп. Кўришиб турибдики, йиллик даромад ҳам шунга яраша бўлади.

Дарвоқе, даромад ҳақида. Бу йил, айтиш мумкинки, пичоқ ҳам, чўмич ҳам мой эканлигидан кайфиятимиз чоғ. Фақат помидор сотишининг ўзидан ҳўжалик 30 миллион сўм фойда кўрди. Бу иш оммавий пудрат асосига қурилганлигининг самараси, албатта. Ўзига хос рекордчилар ҳам пайдо бўлди. Бир гектарда экин қилган Замира Аллаева 560 минг сўм даромад олди. Ярим гектарда деҳқончилик қилган Дилмурод Раҳимов бошлик оилавий пудрат аъзолари 240 минг сўм фойда кўрдилар. Қўйингки, пудратчиларнинг барчаси топмадим деганда 100 минг сўмнинг эгаси бўлишди.

Бир этак кесакни отаверсангиз, ахир биттаси тегади, деган гап бор. Назаримда, узок йиллар излашлар оқибатида энг мақбул йўлни топиб олдик. Мулка эгаллик ҳиссидан кўра таъсирчан чора йўқлигига ишонч ҳосил қилдик. Чиндан-да фуқароси бадавлат юртнинг ҳазинаси ҳам мўл-кўл бўлади, деганларича бор экан.

Шербобо НУРБОБОВ, 3-бригада етакчиси.

## Ташуббус

## «ИШОНЧ»ГА 100 ТА ОБУНА БЎЛАМИЗ

Инсоният доимо юксакликка интилади. Меҳнат қилади, ундан қадр топади. Ўқиб-ўрганади, тинмай изланади. Аммо у ким ва қайси касб эгаси бўлмасин, ўзининг руҳий оламини бойитишни, маънавий баркамолликка эришишни қанда қилмайди.

Халқимизнинг, қолаверса, эш авлодининг маънавий-маърифий тарбия топишида баркамолликка эришувда санъатнинг, маданиятнинг, шу жумладан, омма-

вий ахборот воситаларининг ҳам ўрни бекиёсдир. Шу сабабдан ҳам ўтган йили 270 минг сўмлик марказий ва худудий газеталарга обуна бўлган эдик. Газетанинг, сўз сеҳрининг қудратини ҳис қилган жамоамиз аъзолари бу йил ўтган йилгидан ҳам кўпроқ газеталарга обуна бўлишни тақлиф қилишмоқда.

2000 йил учун газета ва журналларга обуна мавсуми эндигина бошланган.


Саҳифани тайёрловчилар: Зайниддин РИХСИЕВ, Темир ҚУРБОНОВ, Шавкат СУЛТОНОВ, Акбар АЛЛАМУРОДОВ.

Телевидение қаршисида

Етти окшом (5-12 сентябр кунлари) ТВнинг янги бадий асари намоиш этилди. Унга «Кўёши ботмайдиган юрт» номи берилиб, элимизда санхий, меҳр-оқибатли кишилар кўллиги, адолат тантанаси, офтобнинг сўнмас нурлари соялар голиб чиқиши анчайин муваффақиятли тарзда бадий талкин қилинади. (Нормурод Норқобилов асарлари замирида режиссёр Дилором Каримова бошчилигидаги катта ижодий, техник гуруҳи томонидан яратилган сериал шубҳасиз телето-мошабинларни бефарқ қолдирмади.

руҳиятини, унда қайта меҳр-муҳаббат пайдо бўлиши жараёнини кўрсатишга қаратилган. Маликанинг самимияти, нозик табиати, атрофидагиларга бўлган меҳри, оғир дамларда ўзини тутиши Лола Элтоеванинг ижрочилик санъати билангина эмас, композиитор Анвар Эргашевнинг таъсирчан мусикаси, опе-

ни айтиб ўтишимиз лозим. Зеро, кўпбобли видеоасарлари муттасил ишлаб чиқариладиган вақт келди. Бу масала ҳал бўлса, хориждан келтирилган сериалларга эҳтиёж қолмайди. Шундай экан, бадий ТВ ихчам ифодани, муайян воқеаларнинг динамик ривожини, кадрлар «сиғимли» бўлишини талаб этишини ёдда сақлалик. Бугун биз фикр юритаётган асарга баъзан худди шу жиҳатлар - ихчамлик, таъсирчанлик етишмайди. Хаттоки, чуқур маънога эга бўлиши талаб этиладиган йирик планлар айрим ўринларда драматургик заруриятсиз, мусикасиз, сўзсиз, шовқин-суронсиз берилган... Нодир (артист Учқун Тиллаев) умумий кўринишларда анча эркин ҳаракат қилгани кўзга ташланса-да, йирик планда - психологик портретларда камерани ҳис этмагани сезилади... Бундай мулоҳазалар билан бадий ТВ асарининг адабий пойдевори бақувват бўлишини ҳамда ижрочилар талабчанлик билан танлашини таъминлаш зарурлигини эслатмоқчи бўлишим.



УЛАР ДЕҲЛИГА БОРИШАДИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика халқ таълими аълочиси Азим Азизов раҳбарлик қилаётган Шайхонтоҳур туманидаги фольклор-ракс болалар «Умид» ансамбли ноябр ойида Ҳиндистон пойтахтида ўтказиладиган учинчи халқаро болалар театри фестивалида қатнашиш бахтига мушарраф бўлиши. Улар бундай муваффақиятга эришиш учун анча йиллардан бери тинимсиз меҳнат қилишди. Хар бир сахна кўринишини профессионализм даражасига олиб чиқишди. Халқимиз маънавияти ила йўғрилган томоша-бол, ўзларига хос ҳолда санъат дурдоналарини намоиш эта оладиган, рақслар жилвасидан кўзларни қамаштирган, дилларга олам-олам қувонч ҳада этган мазкур гуруҳ аъзолари 1993 йилдан Ибн Сино номи маданият маркази қошида ўз фаолиятини бошлаган эди. Бу давр мобайнида улар ижодий сафар билан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах

ҳамда Сирдарё вилоятларида бўлишди. Тенқур санъат шайдоларини мафтун этган «Умид» ансамбли Муस्ताқилликнинг саккиз йиллиги тўйига ҳам муносиб совға тайёрлашди. Театрлаштирилган «Истиқлол ғунчалари» намоиши томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Айниқса, ўзбек, тожик, афгон, турк, ҳиндча ракс ва кўшиқларнинг ижро этилиши маҳорат жиҳатидан кишиларни руҳлантириб юборди. Шаҳноза Раҳимова, Мавлуда Толипова, Малика Ҳамидова, Оқил Юсупов, Азиз Турсунов, Қаҳрамон Муслимов ва бошқа иштироқчиларнинг хар бир чиқишлари кашфиётга айлангандек бўлди. Ансамбл жамоаси доимо ижобий изланишда. Дастурларнинг ранг-баранг тузилганлиги халқимизнинг бебаҳо ва туганмас маданий мероси туфайлидир. Улар Деҳли шаҳрида айнан ана шу жиҳатларга эътибор беришади. Ҳа, муस्ताқиллик бизга дунё эшигини кенг очди!

КЎЁШИ БОТМАЙДИГАН ЮРТ

Кўёши ботмайдиган ўлкада бир қишлоқ бор. У ерда Малика исмли қиз (актриса Лола Элтоева) ота-онаси бағрида яшайди, улкан режалар тузади, бахт ҳақида уйлайди. Севги лаззатини тотгандек ҳам бўлади. Камера унинг кундалик ҳаётини кўзатиб боргандек, унга хайрихондек... Шунданмики, бу қизалоқнинг нафис қарашлари, қотиб-қотиб қулишлари, назокатга тўла хатти-ҳаракатлари тасмага айнан муҳрланган, экран воситаси ила бизга етиб келгандек. Лекин нур бор ерда соя бор, деганлари каби, бу элда ҳам висол оналарининг қадрига етмаганлар, ёрларига ҳиёнат қилганлар, нафс, хирс қулига айланиб қолганлар йўқ эмас. Улар шoir табият қиз - Маликага чангал солгани, унга азоб бергани, лекин енга олмагани лирик, драматик воқеалар ривожидан очила боради. Бундай мавзунини очиб учун ТВ ходимлари қан-

дай йўл танлаганлар, қандай бадий воситалардан фойдаланганлар? Телеҳикоянинг ҳаётийлигини таъминлаш учун ортиқча «жимжималар»дан воз кечилган дарҳол сезилади. Ўзбек кишлоқининг содда дехқони, шўх болақайлари, камтарин қизалоғи, бағри кенг оила бошқилари, кутубхонадаги китоблар орасида умр мазмунини излаганлар намоён бўла боради. Етти сериялик асар давомида бир-икки драматик воқеа рўй беради, холос: Мухтор исмли йигит (артист Толиб Мўминов) Маликанинг бахтига тўғаноқ бўлиши тафсилотлари ҳам келтирилмайди. Асосий эътибор хунук воқеага дуч келган ўзбек қизининг уйларини,

ратор Акмал Сулаймонов суратга олган нафис кадрлар, режиссёр қўллаган монтаж йўллари билан ҳам очила боради. Муз қоплаётган анҳор бўйлаб ўз маконини излаётган оппоқ чайқалар - балиқчи қушларнинг тинимсиз учиши ҳаётда ўз ўрнини излаётган Маликанинг ҳолатини бизга етказиши. Қизалоқ тақдир мавҳум бўлиб қуриганида, номардларнинг хуружи авжига чиққанда қора ва ола қарғаларнинг «говир-гувори», булутли осмонда чарх уриши диққатимизни тортади. Бахтининг топанг келинчак эрта тонгда борлиққа нурларини таратаётган кўёш томон одим ташлаганида, меҳр-содоқатли ёри Хусан билан қўл ушлашиб ширин уйларга

гоҳ маъюс, гоҳ қувнок кайфиятини очишга кўмаклашадиган тароналар асарга сайқал берган. Нафис бўёқлар бир-бирига тавсиф берганини кўриб, дилмизга яқин куйларни тинглаб, қаҳрамонларнинг йирик пландаги таъриф ва тавсифидан завқ олиб, диалоглар ихчамлигидан, сермазмунлигидан мамнун бўлиб. «Кўёши ботмайдиган юрт» видеофильми телевизион маданиятимизнинг ўсиб, камол топиб бораётганини намоён этиши билан ҳам эътиборга лойик, деган хулосага келамиз. Асарни мамнуният билан қабул қилган ҳолда, кези келганда унда учрайдиган кўсурларнинг айримлари-

«Кўёши ботмайдиган юрт»нинг экрандаги умри узоқ бўлишидан умидвормиз. Ҳамидулла АКБАРОВ.


БОШҚОТИРМА

ЭНИГА: 1. «Ош» и бор қозон. 4. Сувда ҳам, қуриқликда ҳам яшашга мослашган жонивор. 8. Шамол, ел. 10. Дуррадгорлик анжومي. 11. «Уч мушкетёр»нинг бири. 12. « » белгиси. 15. Танаси тиканли бир турли ўт. 16. Республика-мизда чиқадиган рўзнома. 17. Концертлар ҳақида олдиндан тарқатилган эълон. 19. Соғиниш, кумсаш. 20. Афсонавий даҳшатли махлук. 22. Япониядаги шаҳар. 23. Ҳандасавий шакл. 25. Қават-қават либосли сабзавот. 29. Олий навли тиниқ оқ шиша. 31. Мураккабгулларга

мансуб тўпғулли ўсимлик. 33. Катта аскарй қисм бошлиғи, саркарда. 35. Ҳинд аёлларининг устки кийими. 36. Фаранг ёзувчиси. 37. Руслан Шарипов ижро этган машҳур кўшиқнинг номи? 38. Чили шимолидаги чўл. 39. Оқил кишилар каби, ақл билан. БЎЙИГА: 1. Балиқ тури. 2. «Оқ»нинг акси. 3. Хўл мева. 5. Балиқ тури. 6. Грек алфавитининг иккинчи ҳарфи. 7. Сўфийликдан ўз номи билан аталувчи тариқат асосчиси. 8. Қадимий оғирлик ўлчов бирлиги. 9. Инглиз табиатшуноси. 13. Бўрини шарафловчи қовун на-

ви. 14. Венесуэладаги шаҳар. 17. Мағзли туршак. 18. Республика-мизда чиқадиган ойнамо. 19. Пайғамбарлардан бири. 21. Русиядаги дарё. 24. Юз-кўл ювишда ишлатилган индиш. 26. Бирор соҳада қарор топган тартиб. 27. Араб маданиятига хос, оид. 28. Чақадиган ҳашоратнинг умумий номи. 30. Ўзбек халқ достони. 31. Кигиз этик, пийма. 32. Учбурчак шаклидаги мусика асбоби. 34. Инглиз ёзувчиси.

Тузувчи: Т. УМАРОВ



Газетамизнинг № 129 сонидagi бошқотирма жавоблари.

ЭНИГА: 5. Карам. 6. Кобра. 9. Макон. 11. Жумбоқ. 12. Тирана. 15. Лордон. 17. Карабин. 18. Кнор. 19. Сардор. 20. Касаба. 24. Кана. 25. Марсифон. 26. Рона. 29. Искана. 30. Малина. 31. Диана. 33. «Санам». 34. Анжир.

БЎЙИГА: 1. Райҳон. 2. Шарм. 3. Бонни. 4. Арахис. 7. Ақашак. 8. «Туррон». 10. Инъом. 13. Самовар. 14. Билогон. 16. Драмма. 18. Кабр. 21. Чакса. 22. Сарват. 23. Ананд. 27. Ананас. 28. Тамкин. 31. Дрaб. 32. Анна.

СПИЛБЕРГНИНГ ЯНГИ ФИЛЬМИ

Режиссёр Стивен Спилберг узоқ муддат давом этган танаффусдан сўнг яна ижодий фаолиятини ривожлантиришга киришди. Бу сафар ҳам режиссёр фантастика жанрида кино ишлашга қарор қилди. Асарда Ерга ташриф буюрган ўзга сайёра-

ликлар ҳақида ҳикоя қилинади. Кино реал ҳодисалардан бебаҳра эмас. Унга асос қилиб 1947 йилда Нью-Мексико штатида рўй берган воқеалар олинган. Маълумки, шу йили бу штатга ташриф буюрган НУЖларга кўпчилик америкаликлар гувоҳ бўлишган. Хозирча бу фильмга актёрлардан кимлар жалб қилинган маълум эмас. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу сафар ҳам режис-

Фаройиб олам

сёр янги юлдуз топиб, бутун Голливудни ҳайратда қолдириши эҳтимоли бор.

ЖУРНАЛИСТ САФАРИ

Лондонда чоп этилаётган «Санди Таймс» газетасининг муҳбири Жеймс Френсис машҳур ёзувчи Жюль Верн асари қаҳрамонлари-

нинг дунё бўйлаб қилган саёҳатларини («Дунё бўйлаб 80 кун» романи асосида) айнан ўша транспорт усулида амалга оширишга бел боғлади. Аммо йўналиш лойиҳаси муҳокама қилинар экан, бугун бундай саёҳатни уч ойдан камроқсиз амалга ошириш мумкин эмаслиги аниқланган. Агар ҳужжатларни расмийлаштириш, визалар уюштириш муаммосини

бунга киритадиган бўлса, бу саёҳатга уч ой ҳам етмаслиги аниқлашади. Шунингдек, транспорт усулига кетадиган харajatлар ҳисобига олинганда маблағ ўтган асрдаги қараганда 30 марта кўллиги аёнлашади. Бу харajatлардан аҳоли танг бўлган журналистнинг Жюль Верн қаҳрамонларига фақат ҳавас қилишдан бошқа иложи қолмади.

«ЧОРТОҚ» СИҲАТГОҲИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу ерда суяк-мускул тери системаси, овқат ҳазм қилиш органлари, тери, гинекологик касалликлари билан келган беморлар даволанишади. Уларга махсус ҳаво, қуёш, ванналар қабул қилиш ва ичиш учун минерал сувлар, шунингдек, сунъий сульфидли шифобахш балчиқлар буюрилади. Парафин, мануал терапия, игна билан даволаш, сув ости массажи, физиотерапиянинг турли усуллари, даво физкультураси, пархез таомлар билан даволаш ва психотерапия қўлланилади. Республикада ягона умуртқа поғонасини тик турган ҳолда тортиб даволаш ўтган йилдан бошлаб қўлланилмоқда. Улкан дарахтларнинг соя-салқинида ва гулзорлар қўйнида 7 та икки қаватли дам олиш корпуси, ёзги коттежлар, ошхона, ташхис, даволаш физкультураси бўлимлари, шифобахш ичимлик сув галереяси, қуёш ва ҳаво қабул қилиш жойи, ҳашаматли маданият саройи, кутубхона ва бошқалар қишин-ёзин дам олувчилар хизматида. Санаторийга нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан йўлланма олиш мумкин.

Мулоқот учун телефонлар: (8-36922) 6-25-65 (8-36941) 2-32-61, 2-61-35

Манзил: Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Чортоқ» сихатгоҳи Наманган - Чортоқ маршрутли автобус билан борилди.

Билиб қўйган ахши

ЭНГ ҚАДИМГИ БИНО

Япониянинг Нара шаҳрида 752-йили ёғондан қурилган Тодайдзи номи будда ибодатхонаси мана, 1247 йилдири, ҳали ҳам фаолият кўрсатмоқда. Манбаларга қараганда, у жаҳонда энг қадимги бино ҳисобланади.

ҚАЗИЛМА БОЙЛИКЛАР ТОПИШ ЙЎЛИ

Турли дарахтлар новдалари ёрдамида ер ости сув манбаини ва турли қазилма бойликларни излаб топиш усули 4 минг йилдан бери маълум. Улар дарахт тури новдасига қараб, қаерда қандай бойлик борлигини аниқлашган. Масалан, шотутнинг тўғри новдаси қўлда олиб кетилаётганда олтин қони бор жойда у албатта маълум масофага букилади. Новда букилган жойда албатта олтин ёки қумуш қони бўлади.

Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилоят кўмитаси раиси Комилжон Шодиметовга онаси РОҲАТОЙ АЛМЕТОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алихўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламурадов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотушда эркин нархда. «Ширк» нашриёт - матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босилга топшириш вақти - 21.00. Топшириш 23.00